

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

«ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ» КАФЕДРАСИ

Кўлёзма хукуки

ИШНАЗАРОВ ЭРКИН ЧОРИ УГЛИ

**Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани насос станциясида электр
таъминотида шамоли энергия қўрилмасидан фойдаланиш.**

5520200 – «Электрэнергетикаси (саноат корхоналари ва шаҳарлар» йуналиши
буиича бакалавр даражасининг олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Кафедра мудири

доц. Таслимов А.Д.

Рахбар

доц. Бердышев А.С.

Тошкент 2012 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«СХА ва М» факультети
5520200 Электр энергетика (сув
хўжалигида) йўналиши

«ГТЭЭТ ва ЭЖФ» кафедраси
гуруҳи

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кафедра мудири: т.ф.н., доцент
_____ А.С.БЕРДЫШЕВ
« ____ » _____ 2011 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ
Талаба Таштанов. Э.

1. Битирув ишининг мавзуси: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани насос станциясида электр таъминотида шамол энергия қурилмасидан фойдаланиш. «13 » декабр 2010 й. Кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишни топшириш муддати 28.05.11

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар битирув малакавий иши олди амалёт хисоботи, Интернет маълумотлари, Техник маълумотлар.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларнинг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Кириш. Ичимлик сув билан таъминловчи насос станциясининг умумий тавсифи. Электр билан ёритишни ҳисоблаш. Ёруғлик техникавий қисми. Электр қуч тармоғининг ҳисоби. Насос станциясининг электр юкланишни ҳисоблаш ва трансформатор танлаш. Насос станциясида технологик жараёнларни автоматлаштириш. Шамол оқимининг характеристикаси ва уларни ҳисоблашнинг асосий принциплари. Шамол оқими характеристикаларини ҳисоблаш натижалари. Шамол ўрнатиш қурилмасини асосий принциплари ва улар иши характеристикаси ҳисоби. Хаёт фоалияти хавсизлиги. Иқтисодий кўрсаткичлар. Хулоса. Фойдаланган адабиётлар рўйхати. Интернет маълумотлари.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани насос станциясининг бош плани. Электр қуч тармоғи. Ерга улаш тармоқ плани. Электр қуч тармоғининг ҳисобий схемаси. Электр ёритиш токи ва махсус савол.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№т/р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитуви Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
	1.2.3	Бердишев А		

7. Битирув ишини бажариш режаси

№т/р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш.		
2	Ичимлик сув билан таъминловчи насос станциясининг умумий тавсифи.		
3	Электр билан ёритишни ҳисоблаш. Ёруғлик техникавий қисми.		
4	Электр куч тармоғининг ҳисоби.		
5	Насос станциясининг электр юкланишни ҳисоблаш ва трансформатор танлаш.		
6	Насос станциясида технологик жараёнларни автоматлаштириш.		
7	Шамол оқимининг характеристикаси ва уларни ҳисоблашнинг асосий принциплари. Шамол оқими характеристикаларини ҳисоблаш натижалари. Шамол ўрнатиш қурилмасини асосий принциплари ва улар иши характеристикаси ҳисоби.		
8	Хаёт фаолияти хавсизлиги.		
9	Иқтисодий қисм		
10	Хулоса		
11	Адабиётлар		

Битирув иши раҳбари Бердишев А _____

Топшириқни бажаришга олдим Таштанов. Э. _____

Топшириқ берилган сана 14 декабр 2010 йил

Ишнинг таснифи

Битирув малакавий ишида ичимлик суви билан таъминловчи насос станциясининг умумий тавсифномаси келтирилган. Технологик жараёнлар тахлили натижасида асосий электр энергия истелмолчилари аниқланади. Ички электр ёритиш ва электр куч тармоқларини хисоботлари келтирилган. Электр энергия истемолини миқдорини аниқланиш натижасида энергия манбаси қабул қилинади.

Технологик жараёнларни автоматлаштиришни схемалари келтирилган. Махсус саволда насос станцияси электр ускуналари ишончлилигини ошириш чора тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳаёт фаолиятини хавсизлиги бўлимида тегишли чоралар келтирилган.

Лойихаланаётган вариант техник иқтисодий асосланган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
1. Ичимлик сув билан таъминловчи насос станциясининг умумий тавсифи.....	
2. Электр билан ёритишни ҳисоблаш. Ёруглик техникавий кисми...	
3. Электр куч тармоғининг ҳисоби.....	
4. Насос станциясининг электр юкланишни ҳисоблаш ва трансформатор танлаш.....	
5. Насос станциясида технологик жараёнларни автоматлаштириш.....	
6. Шамол оқимининг характеристикаси ва уларни ҳисоблашнинг асосий принциплари.....	
6.1. Шамол оқими характеристикаларини ҳисоблаш натижалари....	
6.2. Шамол ўрнатиш қурилмасини асосий принциплари ва улар иши характеристикаси ҳисоби.....	
6.3. Бир неча тип номиналидаги шамол энергияси қурилмасидан иши характеристикаси ҳисоби натижалари.....	
7. Хаёт фоолияти хавсизлиги.....	
8. Иқтисодий кўрсаткичлар.....	
Хулоса.....	
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	
Интернет маълумотлари.....	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ни эълон қилди.

Концепция мазмун-моҳиятига кўра мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бўлган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, юксак таракқиёт марраларига эришиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни белгилаб берди. Концепцияга мувофиқ халқилмизга фаровон турмуш шароитини яратиш энг муҳими, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш механизмини шакллантириш ётибди десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик сувлари билан таъминлаш тўғрисида Президентимиз И.А Каримовнинг маҳсус қарори қабул қилинган, яъни қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат Дастурини бажариш лозим. 7-9 йил ичида мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик суви билан таъминланиши зарур.

2009-йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 90%га, табиий газ билан таъминлаш 85%га етказилиши керак.

Бунинг учун 2005-2010 йиларда қишлоқ жойларда 30.минг км га яқин газ тармоқларини, 18 минг км га сув қувури тармоқларини ишга тушуриш даркор. Бу қарорни бажариш учун ҳозирги кунда Республикамизда катта ташкилий ва техникавий чора тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, ичимлик сувлари билан таъминловчи янги насос станциялари қурилмоқда.

Битирув малакавий ишида 4-чи гурухга тегишли насос станциясидаги технологик жароёнларни электрлаштириш бўйича муҳандислик масалалари кўриб чиқилган. Яъни, бу битирув малакавий ишида сув манбаи килиб канал ва сув омборлари олинади.

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланган ва 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўларни излашдан иборат эканлиги Президентимиз ўз асарлари ва қарорларида омилар асосда кўрсатиб ўтмоқда.

Президентимиз энергитика масаласида Ўзбекистон Республикаси ўз-ўзини таъминлайдиган мамлакат ҳисоблашини аввал таъкидлаганидек, инқирозга қарши чора дастурини оммага жалб этиш эди. Бу борада электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг ишончлилигини оширишнинг чораларини амалга оширишга қаратилган эди.

Электр энергиясини узлуксиз ва ишончли таъминоти, шикастланган участкаларни ўчиришнинг тезкорлиги ва мустаҳкамлиги, мавжуд ҳимоя жихозларни такомиллаштириш, шу жумладан, подстанциялар ва насос станциялардаги ерга улаш ва яшиндан сақлаш қурилмаларини ишлаб чиқариш сифатини ривожлантирувчи ва оширувчи асосий шартлардан биридир.

1. Ичимлик сув билан таъминловчи насос станциясининг умумий тавсифи

Насос станциялари қуйидаги комплекслардан иборат:

Бўстонлик туманидаги «Сойлик» қишлоғидаги насос станциясидан биринчи насос кўтаргич станция, электролиз хонаси, сув сақлайдиган 2 та ҳовузлар, сув минораси, ахлат лойқали сув йиғувчи қудуқ бор. Бундан ташқари қоровуллик ва назорат қилиш учун мўлжалланган пункт бор. Насос станция атрофида махсус санитар зонаси бор ва ўша зона темир бетон панеллар билан ўралади. Истеъмолчиларга берилаётган сувнинг босими етарли даражада бўлиши учун сув минораси қурилган. Унинг ҳажми 25 м³. Бошланғич сув қувир қурилмаларида ўрнатилган электр истеъмолчиларни энергия билан таъминлаш учун 2 та трансформатор (63 кВА дан) подстанцияси мавжуд. Подстанцияга келаётган 10 кВ ли кучланиш ҳаво линия ёрдамида бажарилган. Подстанция ЛЭП-10 кВ га қўшилиши РЛНДА-10/230 ажратгич орқали бажарилганди. Ажратгич КТП (комплексли трансформатор подстанцияси) билан келади. Момақалдироқ натижасида кучланишни жуда ҳам ошиб кетишидан ҳимоя қилиш учун махсус РВО-10 типли винтилли разродниклар бор. (ХЛ-10 кв тамонидан) ва РВН-1-У1 (ХЛ-0.4 кв тамонидан). Лойиҳада 1-кўтаргич насосларининг иши ҳовуздаги бор сувнинг сатҳи билан боғлиқдир. 2-кўтаргич насосларининг ишлари ҳам ҳовузларнинг сатҳи ва сув минорасидаги сувларнинг сувнинг сатҳи РОС 301 УХЛ 2 типли датчик ёрдамида назорат қилинади.

Ёқилғи насоси диспетчер шитида ўрнатилган "SB 1" кнопка ва қоровуллик пунктида ўрнатилган "SB 2" кнопкалар билан ишга туширилади. Ёқилғи насоси ишга туширилганда сув минорасига сув етказиб бераётган қувир очиб ёпиш автоматик равишда ёпилади. 2-кўтаргич насосларни двигателлари узлуксиз ишлаши учун лойиҳа АВР ўрнатиш кўзда тутилган

СНиП - 204. 02-84 га асосан санитария зона атрофида НКУ-01 типли ёриткичлар темир-бетон тўсиқларда ўрнатилган.

Зона ёритилганлиги 0.5 м. Ташқи ёритгич электр тармоқлар АВВГ маркали кабеллар билан бажарилган. Ёриткичлар ишини бошқариш учун махсус фотореле бор ва бу реле КТП да ўрнатилган. Ёриткичлар умумий ўрнатилган. Насос станциясидаги барча электр ускуналарни корпуслари ва темир нормал ҳолатда токсиз қисмлар ПУЭ-85 га асосан, ерга уланишлари керак.

Ичимлик суви билан таъминлаш технологик схемаси кўриниши қуйидагича:

Бош қурилмалардан (канал ёнида жойлашган) сув насослар ёрдамида махсус сувга ишлов берувчи қурилмаларга етказиб берилади. Бу ерда сув тозаланади ва микроблардан зарарсизлантиради. Кейин у темир бетондан тайёрланган иккита омборда сақланади ва II-кўтаргич насос станцияси ёрдамида аҳолига етказиб берилади. Сув билан таъминловчи насос станциялари II-категория электр истеъмолчиларга қарайди. Бу категориялар учун электр энергия таъминоти иккита манбадан бажарилади.

Аҳолини сув билан таъминлаш учун марказдан қочирма насослар қўлланилади. Насосларнинг типини танлаётганда хўжаликдан соатли сув харажатини ва керакли сув босимини ҳисобга оламиз.

Бирламчи материаллардан қуйидагича маълумотларни биламиз:

-Хўжаликларга керакли ичимлик сувининг соатли харажати:

$$Q_c = 423 \frac{\text{л}}{\text{сек}} = 15,3 \frac{\text{м}^3}{\text{соат}}$$

-сув босими

$$H = 219 \text{кПа}(22,42 \text{м})$$

Агарда ёнғин хавфсизлигини ҳисобга олган тақдирда

$$Q_c = 20,28 \frac{\text{л}}{\text{сек}} = 73 \frac{\text{м}^3}{\text{соат}}$$

$$H = 257,2 \text{кПа}(26,26 \text{м})$$

Шу маълумотларга асосланиб, Q-H графигидан тегишли насосларни қабул қиламиз.

а) Фақат хўжаликларни ичимлик суви билан таъминлаш учун- к 65-50-160 маркали насос, $h=2900$ ойл/сек.

б) Хўжаликларни ичимлик суви билан таъминлаш ва ёнғиндан сақлаш учун к 100-80-160 маркали насос, $h=2900$ ойл/сек.

Насосни юритиш учун зарур бўлган қувват қуйидаги формуладан аниқланади.

$$P = QH \frac{\delta}{\rho_n}$$

бу ерда, Q-насоснинг иш унуми, м³/сек

γ-сувнинг солиштирма оғирлиги $\gamma=1000$ кг/м³

H-ҳисобий тўла напор, м

η_n -насоснинг Ф,И,К (0.4-0.8)

а-вариант учун

$$P_{нас} = \frac{11,23 \cdot 10^{-3} \cdot 219 \cdot 1000}{0,5 \cdot 1} = 1852 Bm \approx 1,9 кВт$$

Ҳисобий қувватни аниқловчи формула:

$$P_{дв} = P_H \cdot \frac{k}{\eta_y}$$

бу ерда k-ғамлаш коэффиценти,двигателларни қуввати (3.5÷3.5) кВт

$k=1.15$ двигател қуввати (3.5÷ 3.5) кВт $k=1.2$

$\eta_y=1$ узатманинг Ф,И,К.

$$P_{дв} = 1.9 \cdot \frac{1.2}{1} = 2.3 кВт$$

в-вариант

$$P_{нас} = \frac{2,028 \cdot 257,2 \cdot 1000}{0,2} = 8693 Bm \approx 9 кВт$$

Двигателнинг ҳисобий қувватини аниқлаймиз:

$$P_{дв} = \frac{9 \cdot 11,5}{1} = 10,35 \approx 10 кВт$$

Қилинган ҳисобга асосланиб ва $P_{гв} \geq P_{нас}$ с шартини ҳисобга олиб, қуйидаги двигателларни танлаймиз:

а-вариант учун: 4АМ100 S 2УЗ, қуввати 4 кВт

в-вариант учун: 4АМ132 М 2УЗ, қуввати 11 кВт

СНиП 2.04.02-84 кўрсатмасига асосан, аҳоли пунктларида иккита ичимлик суви билан таъминловчи насос қабул қиламиз:

$P_{гв} = 4$ кВт (биттаси иш насоси, иккинчиси резерв)

Бундан ташқари, хўжаликларни ичимлик суви билан таъминлаш ва ёнғиндан сақлаш учун иккита қўшимча насос қабул қиламиз ($P_{гв} = 11$ кВт).

2. Электр билан ёритишни ҳисоблаш

Ёруғлик техникавий қисми.

Электр ёритиш қурилмаларининг ёруғлик-техниковий ҳисоблашнинг вазифаси белгиланган (меъёрланган) қуриш талабини бажаришда электр энергиясини қандай миқдорда сарфлашни белгилайди.

Ёруғлик-техникавий ҳисоблашнинг бошланишида ёритиш қурилмасининг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланиши керак.

- меъёрланган ёритилганлик E_M ;
- ёритиш системаси ва тури;
- ёриғлик манбаи;
- ёриткич турлари, ёритиш манбаининг қуввати;
- ёритиш қурулмаларини жойлаштириш;

Меъёрланган қурулмаларни ёритилганлигини ҳисоблаш учун ёриткичнинг ёруғлик оқими аниқланади, кейин жадваллардан маълум қувватдаги стандарт лампа танланади. Ҳисобланган ёруғлик оқими жадвалдан танлаб олинган стандарт лампанинг оқимиға фақат тасодиф туфайли тўғри келади, лекин қоида бўйича ёруғлик оқими фарқ қиладиган лампа танланади. Жадвалдан олинган лампанинг ёруғлик оқими ҳисоблаганда, фарқи $-10\% \div +20\%$ оралиғида бўлиши рухсат этилади. Стандарт лампадан фойдаланишда, ёруғлик оқимлари ўртасидаги фарқ катта бўлса, ёриткичларнинг бир нуқтасини ва унинг нур йўналишини ўзгартириш ҳамда унинг жойини ҳам алмаштириш керак. стандарт лампанинг керак бўладиган оқимиға ёки даражасига ўзгартириш керак. баъзида текшириш ҳисобини ўтказиш талаб қилинади, яъни иш юзасидаги ёритилганлик ёриткичларнинг жойлаштириш ва қуввати аниқ бўлган ҳолда бажарилади.

Ёруғлик техникавий ҳисобларда ёритилганликни аниқлаш учун, анъанавий усуллар: нуқтавий усул, ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти усули ва солиштирма қувват усулидан фойдаланамиз.

Асосий хона учун ҳисобларни ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффиценти усулида ўтказамиз.

Хонанинг индексини топамиз:

$$i = \frac{S}{h(A + B)}$$

бу ерда; $A=8\text{м}$, $B=6\text{м}$ – хонанинг узунлиги ва энлиги;

$S=48\text{ м}^2$ – насос станциянинг асосий хонасининг юзаси;

$h= 3,0\text{ м}$ ҳисобий баландлиги.

$$i = \frac{48}{3(8 + 6)} = \frac{48}{42} = 1.14$$

фойдаланиб, индексининг стандартли қийматини $i = 1,25$ деб оламиз.

Справичник жадвалларидан ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффицентининг – қийматини олайлик, $U = 30\%$. Хона сиртларининг кайтариш коэффицентларининг қийматларини қабул қиламиз:

$$P_m=50\%$$

$$P_g=30\%$$

$$P_{\text{кис}}=10\%$$

Бунда; P_m – шипнинг кайтариш коэффиценти.

Ёруғлик оқимининг қийматини топамиз:

$$F_{\text{хис}} = \frac{E_{\text{нор}} \cdot S_{\text{кс}} \cdot Z}{N \cdot U}$$

бу ерда,

$E_{\text{нор}} = 50\text{ лк}$ – насос станциясининг асосий хонасидаги нормалланган ёруғлиги (6).

$K_s = 1,5$ – захира коэффиценти.

$F = 1,15$ минимал ёритилганлик коэффицентлари аниқланади.

$N = 6$ – ёриткичлар сони.

$U = 0,3$ – ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффиценти

$$F_{\text{хис}} = \frac{50 \cdot 48 \cdot 1,5 \cdot 1,15}{6 \cdot 0,30} = 2300\text{лм}$$

6 – 220 – 230 – 150 типли чўгланма лампани қабул қиламиз.

$F_{\text{п}} = 2100\text{ лм}$, $P_{\text{п}} = 150\text{ Вт}$ (3,)

Ҳақиқий ёруғликни топамиз:

$$E_{\text{хак}} = E_n \cdot \frac{F_n}{F_{\text{хис}}} = 50 \cdot \frac{2100}{2300} = 45,6 \text{ лк}$$

Фоиз ҳисобида:

$$x = \frac{45,6 \cdot 100}{50} = 91,2\%$$

Ёруғликни нормадан четга чиқшни(-8,8%). Бундай ҳолат бўлиши мумкин, чунки чегарадан четга чиқиш миқдори(+20% ÷ - 10%).

Натижада, НСП-11 типли ёриткичларни қабул қиламиз, лампаларнинг қуввати 150 вт.

Хизматчилар хонаси.

Хонанинг категориясини ҳисобга олган ҳолда ЛСП – 02 типли ёриткич қабул қиламиз. Бу ёриткичлар люминесцент лампалар билан ёритилган.

Қаторлар узунлиги бўйича лампалар соқини аниқлаймиз:

$$N_A = \frac{A}{L_A} = \frac{4}{2} = 2 \text{ дона}$$

бу ерда, L_A – қаторлардаги ёриткичлар орасида бўлган масофа, $L_A=2$

$$L_B = \lambda \cdot h = 1 \cdot 3,3 = 3,3 \text{ м}$$

бир қатордаги орасидаги масофа.

Бунга тегишли ёриткичлар умумий сон:

$$N_B = \frac{B}{L_B} = \frac{6}{3,3} = 1,8 \approx 2 \text{ дона}$$

Хонадаги ёриткичларнинг умумий сон:

$$N = N_A \cdot N_B = 2 \cdot 2 = 4 \text{ дона}$$

3 – адабиётдаги берилган тавсияга асосан, бу хонада нормал ёруғликни $E_{\text{НОР}}=200$ лк деб қабул қиламиз. хонанинг индексини топамиз:

$$i = \frac{S}{h(A+B)} = \frac{24}{3,6(4+6)} = 0,72$$

бунда, $A=6$ см ; $B=4$ м; $h=3,6$ м; $S=24^2$

Ёриткичларни электр энергия билан таъминлаш учун АВВГ маркали кабел қабул қиламиз. уни деворлвр орқали ўтказамиз.

Магистралнинг электр моментларини аниқлаймиз:

$$M = L_0 P + P \cdot 4 + P \cdot 9 + P \cdot 11,5 = P(0,5 + 4 + 9 + 11,5) = 3,75 \text{ кВ} \cdot \text{м}$$

Бу усулда кабелларнинг кундаланг кесм юзини аниқлаймиз.

$$P = \frac{M}{C \cdot \Delta U} = \frac{3,75}{7,4 \cdot 2} = 0,25 \text{ мм}^2$$

бунда, $C = 7,4$ – ўтказгичнинг материалига кучланиш системасига ва симларнинг сонига боғлиқ бўлган коэффицент, $I = 2\%$ - группадаги ҳисобий кучланиш йўқалиши (рухсат этилган кучланиш йўқолиши ПУЭ га асосан, $U_{рух} \geq 2,5 \%$).

Стандартга яқин кабел толасининг кўндаланг кесим юзасини қабул қиламиз:

$$\Delta U_{хак} = \frac{M}{C \cdot S_{см}} = \frac{3,75}{7,4 \cdot 2,5} = 0,21$$

Натижада АВВГ (2х2,5) маркали кабел қабул қиламиз.

Бошқа группалар учун ҳисони худди шу методика бўйича ўтказамиз.

Ёритиш тармоқларини ҳимоя қилиш №3 группали тармоқдаги ҳисобий токни топамиз:

$$I_{хис.гр.3} = \frac{\sum P_{нош}}{U_{\phi} \cdot \cos \varphi} = \frac{900}{220 \cdot 1} = 4,09 \text{ А}$$

Автоматик ажраткичларни қубидаги шартларга асосланиб қабул қиламиз: $I_{НО} \geq I_{ТАРМОҚ} = 220 \text{ В}$

$$I_{НА} \geq I_{ХИС.ГР} = 4,09 \text{ А} \quad I_{Н.УЗГИЧ} \geq I_{ХИС.ГР} = 4,09 \text{ А}$$

Натижада, А – 3161 тукли автомат ажраткич қабул қиламиз. $I_{НА} = 50 \text{ А}$; $I_{Н.РАСЦ} = 15 \text{ А}$. Бошқа группалар учун ҳам автомат ажраткичларни худди ўша усулда қабул қиламиз.

Группавий шчит ҳисобига ОШВ – 6 маркали шчитни танлаймиз.

3. Электр куч тармоғининг ҳисоби

Ҳимоя воситаларни химоялаш учун автоматиу узгучлар ва сақлагичларни қўллаймиз.

Автоматик узгичларни қабул қилиш қуйидаги шартларни қабул қиламиз:

- Автоматик номинал токи электр моторнинг номинал токидан кам бўлмаслиги керак. $I_{Н.ажр} \geq I_{Н.ДВ}$

- Автомат бевақт узуб қўймаслиги учун уни қуйидаги шартларга кўра текшириб кўрилади:

а). Агар битта электр мотор уланган бўлса:

$$I_{ажр.иш.туш} \geq (1,5 / 1,6) I_{ДВ.иш.туш}$$

б). Агар электр мотор бир нечта бўлса:

$$I_{ажр.иш.туш} \geq (1,5 / 1,8) \left[\sum_{i=1}^{n-1} I_{ДВ} + I_{ДВ.иш.туш} \right]$$

бунда, $I_{ДВ.иш.туш}$ – энг катта ишга тушуриш токли моторнинг токи.

Эрувчан сақлагичларни қубидаги шартларни бажариш керак:

Сақлагични номунал кучланиши тармоқнинг номинал кучланишдан кам бўлмаслиги керак. $U_{Н.САҚ} \geq U_{Н.ТАРМ.}$

Сақлагични номинал токи двигателнинг номинал токидан кам бўлмаслиги керак:

$$I_{Н.сак} \geq I_{Н.дв}$$

Эрувчан қисмининг токи:

а) агар 1 электромотор уланган бўлса,

$$I_{Н.эр.к} \geq I_{иш.туш} / \alpha$$

б). агар моторлар бир нечта бўлса:

$$I_{н.эр.к} \geq \left(\sum_i^{n-1} I_{н.и} + \frac{I_{иш.туш.мах}}{\alpha} \right)$$

бунда, $L = 2,5$ коэффициент $J_{иш.туш} = K_i \cdot J_{н.дв}$ ишга тушуриш токи.

Сим ва кабелларнинг юзасини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$r \geq J_{хис}$$


бу ерда, $J_{чег}$ – жадвалларда келтирилган чегаравий ток.

$$I_{хис} = K_{юкл} \cdot I_{н.дв}$$

$K_{юкл}$ – юукланиш коэффициенти

Биринчи моторни электр энергия билан таъминлашнинг чизик ҳисоби.

21



2 – расм биринчи моторни таъминловчи чизикли схема.

Моторнинг қисқа туташуви натижасида ҳимоялаш учун қуйидаги бирламчи маълумотлар билан танишиб оламиз:

- моторнинг номинал қуввати – 11 кВт
- ишга тушуриш токининг номинал токка нисбатан -5
- фойдали иш коэффициенти – 85,5
- қувват коэффициенти 0,83
- юкланиш коэффициенти – 0,7

Моторнинг номиналтокини аниқлаймиз:

$$I_{н.м.1} = \frac{P}{\sqrt{3} \cdot U_H \cdot \cos \varphi_H \cdot \eta_H} = \frac{1000}{1.73 \cdot 380 \cdot 0.83 \cdot 0.855} = 23.6 A$$

Моторнинг ишчи токини аниқлаймиз:

$$I_{иш.м1} = I_H \cdot K_{юк} = 23.6 \cdot 0.7 = 16.52 A$$

Эрувчи қуйманинг токи қуйидаги шариларгаасосан аниқланади:

$$1) I_{\text{эп.к}} \geq I_{\text{иш.м1}} = 16,52 \text{ A}$$

$$2) I_{\text{эп.к}} \geq I_{\text{max} / \alpha} = \frac{K_i \cdot I_H}{\alpha} = \frac{5 \cdot 23.6}{2.5} = 47.2 \text{ A}$$

Жадвалларда (4,) кўрсатилган эрувчан сақлагичлардан яқинроқ параметрлардан қабул қиламиз. Бу ПН – 2 – 100 типдаги эрувчи сақлагич.

$$J_{\text{н.эр.с}} = 100 \text{ A} \quad J_{\text{н.эр.к}} = 50 \text{ A}$$

M1 моторнинг электр энергия билан таъминловчи кабелнинг толаларини юзасини аниқлаймиз. Бу ерда кабелларни ётқизиш усулини ҳам этиборга оламиз (трубаларда ва скобалар ёрдам).

Кабел толаси юзасини аниқлаганда қуйидаги шартларга асосланамиз:

$$I_{\text{чег}} \geq I_{\text{иш.м1}} = 16,5 \text{ A}$$

Бу токка яқинроқ қиймат $J_{\text{чег}} = 19 \text{ A}$ ва $S = 25 \text{ мм}^2$ деб қабул қиламиз (4).

Жадвалларда берилган чегаравий ток қийматлари атрофдаги ҳаво ҳарорати $+25^\circ\text{C}$ учун берилган, лекин ҳақиқий ҳарорат ёз пайтида $+45^\circ\text{C}$ гача кетиши мумкин. Шунинг учун тўғриловчи коэффициент қийматини аниқлаймиз.

$$K_{\text{туз}} = \sqrt{\frac{t - t'_{\text{атроф}}}{t - t_{\text{атро}}}} = \sqrt{\frac{65 - 45}{65 - 25}} = \sqrt{\frac{20}{40}} = 0,71$$

Демак , тўғриловчи коэффициент миқторини ҳисобга олган ҳолда чегаравий ток миқтори:

$$I'_{\text{чег}} = 19 \text{ A} \cdot 0.71 = 13,49 \text{ A}$$

Лекин, ҳақиқатдан ҳам истемол қилаётган ток $16,5 \text{ A}$ дан кам бўлмайди, шунинг учун биз бу токка лойиқ(тўғриловчи коэффициент ҳисобга олган ҳолда) кўндаланг кесим юзасини қабул қиламиз.

Демак,

$$I''_{\text{чег}} = \frac{I_{\text{иш.м1}}}{K_{\text{туз}}} = \frac{16,5}{0,71} = 23,24 \text{ A}$$

Бундай ҳисобий кабелнинг чегараланган ток қийматига эрувчи қийматининг номинал токини мувофиқлигини аниқлаймиз: $J_{\text{чег}} \geq K_{\text{мув}} \cdot J_{\text{н.эр.к}}$

$K_{\text{мув}} = 0,33$ мувофиқлик коэффиценти $27 \geq 0,33 \cdot 60 = 19,8$ А мувофиқлигини текшираемиз, ҳақиқий кучланиш йўқолишини аниқлаймиз.

$$\Delta U_{\text{хак}} = \frac{P \cdot \sum l}{C \cdot S} = \frac{11 \cdot 44}{46 \cdot 4} = 2.6\%$$

Бу ерда $\sum L = 15 + 2 + 27 = 44$ м

Насос станциясида кабел бинога киритилган жойдан 1 м гача бўлган масофа

$$\Delta U_{\text{хак}} = 2.6 > \Delta U_{\text{рух}} = 25\%$$

Демак, кабелнинг таласини кўндаланг кесим юзасини 1 пағонага оширишимиз керак ва натижада $S = 6 \text{ мм}^2$ деб қабул қиламиз.

Зўриқиш режимидан ҳимоя қилиш мақсадида насос маторини автоматик равишда бошқариш учун ва атроф-муҳит шароитини ҳисобга олиб, махсус куч қутичасини қабул қиламиз.

Бу ерда қуйидаги шартларни ҳисобга оламиз:

$$U_H \geq U_{\text{н.тар.мок}} = 380 \text{ В}$$

$$I_{\text{н.мат.иш.туш.}} \geq I_{\text{н.м1}} = 23,6 \text{ А}$$

$$I_{\text{н.ажр}} \geq I_{\text{н.м1}} = 23,6 \text{ А}$$

$$I_{\text{н.исс.р}} \geq I_{\text{н.м1}} = 23,6 \text{ А}$$

Бу шартларни ҳисобга олган ҳолда Я 5111-3474 турдаги махсус куч қутичани қабул қиламиз.

Бу қутичада А 3163 типдаги автоматик ажратгич, ПМА 310004 турдаги магнитли ишга туширгични ва РТЛ 205304 типдаги иссиқлик релесини қабул қиламиз. [6]

Бошқа чизиклар учун ҳисобларни юқорида келтирилган усулда ўтказамиз ва натижаларини ҳисобий-монтаж схемасида келтираемиз.

4. Насос станциясининг электр юкланишни хисоблаш ва трансформатор танлаш

Насос станциялар асосан II ва III-категорияли бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда асосан, трансформатор подстанциялари ТМ типли трансформаторлар билан бажарадилар. Уларнинг қуввати 160-250 кВА дан ошмайди.

0.38 кВ ли тармоқлар ва 6-35/0.4 кВ ТП лар учун қийматлар қуйидагича аниқланади.

$$S_{\text{кун}} = \sum S_{\text{кун}.i} \cdot K_{\text{б}}$$

$$S_{\text{кеч}} = \sum S_{\text{кеч}.i} \cdot K_{\text{б}}$$

бу ерда, $K_{\text{б}}$ -истеъмолчиларнинг биргаликда ишлаш коэффициенти, истеъмолчиларнинг максимум қувватининг ҳар бир алоҳида олинган истеъмолчилар гуруҳи максимуми йиғиндисига нисбати.

Истеъмолчиларнинг иш режими тўла маълум бўлса, истеъмол графиги усулидан фойдаланишимиз мумкин. Бунда шу корхона учун тўла сменалар бўйича технологик график тузилади, бу графикда жараёнлар номи, машина типлари, электр ускуналар қуввати ва бошқа маълумотлар берилади. Электр маторлар истеъмол қуввати:

$$P_{\text{н}} = \frac{P_{\text{н}} \cdot K_{\text{ю}}}{\eta}$$

бу ерда, $K_{\text{ю}}$ – юкланиш коэффициенти

η – двигателнинг $\Phi, \text{И}, \text{К}$ и

Натижада график тузилади. Кейин эквивалент қуввати аниқланади.

$$P_{\text{эКВ}} = \sqrt{\frac{P_1^2 t_1 + P_2^2 t_2 + \dots + P_n^2 t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}}$$

Тўла қуввати: $S = P_{\text{ЭКВ}} / \cos \varphi$

Технологик жараёнларнинг тахлили асосида максимал электр нагрузка ҳосил қилишда қатнашувчи электр истеъмолчилараниқланади. Бунинг натижасида ҳисобий актив, реактив ва тўла қувватлар топилади. Бу ерда реактив қувват катталиги қуйидагича аниқланади:

$$Q_{хис} = P_{хис} + tg \varphi$$

Тўла қуввати эса қуйидагича тенг бўлинади:

$$S_{хис} = \sqrt{P_{хис}^2 + Q_{хис}^2}$$

Максимал юкланишни аниқлаш учун талаб коэффиценти усулидан фойдаланамиз.

Талаб коэффиценти – бу истеъмолчиларнинг максимал қувватини уларнинг комунал қувватига нисбатан кўрсатади:

$$K_{талаб} = \frac{P_{мах}}{P_{ном}}$$

Истеъмолчиларнинг сони учтадан юқори эмас ва қувватларини мукдори кичик булганда $K_{талаб}=1$ килич кабул килинади:

$$P_{мах} = \sum_1^n P_{ном}$$

Истеъмолчиларнинг сони учтадан юқори ва бир хил режимда ишлаганликда ҳисобий актив қуввати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{мах} = K_{тал} \cdot \sum_1^n P_{ном}$$

барча истеъмолчиларнинг группалари учун умумий ҳисобий максимал қувват қуйидагича аниқланади:

$$P_{мах} = \sum_1^n P_{мах.гр} = K_{тал} \cdot \sum_1^n P_{ном}$$

Ҳудди ўша усулда ҳисобий максимал пеактив қувват қуйидаги формула билан аниқланади(максимали)

$$Q_{мах} = \sum_1^n Q_{мах.гр} = \sum_1^n K_{тал} \cdot Q_{ном.гр}$$

Умумий қувват қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{ном} = \sqrt{(1,06 \cdot P_{мах})^2 + Q_{мах}^2}$$

Қишлоқ ТП си одамда истеъмолчилар марказига жойлаштирилади. Бунда ТП хизмат доираси радиуси 400м. дан ошмаслиги кўзда тутилади. Ҳаво линиялари симлари кўндаланг кесим юзаси камида 16мм^2 ва кўпи билан 120мм^2 бўлиши тавсия қилинади. Истеъмол марказини аниқлаш учун (x,y) – декатр координата системасидан ўтказилади. Оғирлик марказини коер, қуйидагича аниқланади:

$$x = \frac{\sum_{i=1}^n S_{хис.и} \cdot x_i}{\sum_{i=1}^n S_{хис.и}}$$

$$y = \frac{\sum_{i=1}^n S_{хис.и} \cdot y_i}{\sum_{i=1}^n S_{хис.и}}$$

Бир трансформаторни 10/0,4 ТП учун трансформатор қуввати, улар нормал ишлаши учун истеъмол қувватининг иқтисодий самарали оралиғидан олиб, чегара зўриқишлар (такрорланиб турувчи) ҳисобга олинади, ҳамда қуйидаги шартларни бажариш керак: $S_{э*н} < S_{хис} \leq S_{э.в}$ $S_{э.н}$; $S_{э.в}$ - истеъмол қувватининг пасткива юқори чегараси.

$S_{хис}$ – ТП ҳисобланган истеъмолчилар қуввати.

1 – магистралнинг талаб коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$K_{тал.м1} = \frac{P_{мах.м1}}{P_{ном.м1}} = \frac{31,7}{33} = 0,96$$

магистра бирни истеъмолчилари учун қувват коэффицентининг ўрта қиймати:

$$\cos \varphi_{ур} = \frac{P_{мах.м1}}{S_{мах.м1}} = \frac{31,7}{31,77} = 0,83$$

Магистра 2 учун

$$K_{тал.м2} = \frac{P_{мах.м2}}{P_{ном.м2}} = \frac{32.95}{53.08} = 0,62$$

$$\cos \varphi_{ур} = \frac{P_{мах.м2}}{S_{мах.м2}} = \frac{32.95}{39.5} = 0,83$$

Умумий:

$$K_{тал.м\Sigma} = \frac{P_{мах.м\Sigma}}{P_{ном.м\Sigma}} = \frac{64.65}{86.08} = 0.75$$

$$\cos \varphi_{\Sigma} = \frac{P_{мах.м\Sigma}}{S_{мах.м\Sigma}} = \frac{64.65}{77.27} = 0,84$$

Ҳисобларга киритилмаган истеъмолчилар:

а). 1 – кўтарма насос станцияси.

- ўрнатилган қувватлари , $P_{ўр} = 5,6$ кВт

- агрегатлар сони, $n = 2$

- талаб коэффиценти, $K_{ТАЛ} = 0,8$

- қувват коэффицентлари $\cos\varphi=0,88$ $\operatorname{tg} \varphi = 0,75$

умумий ҳисобий қувватлар:

$$P_{ум} = \left(\sum_1^2 P_{ур} \right) \cdot K_{тал} = 2 \cdot 5,6 \cdot 0,8 = 8,96 \text{ кВт}$$

$$Q_{ум} = P_{ум} \cdot \operatorname{tg} \varphi = 8.96 \cdot 0.75 = 6.72 \text{ кВАР}$$

$$S_{ум} = 11,2 \text{ кВА}$$

б) Ташқи ёриткичлар.

$P_{ум} = 2,4$ кВт

$K_{ТАЛ} = 1$

$P_{ХИС.ЁР} = 2,4$ кВт

$\cos\varphi = 1$

$$\operatorname{tg} \varphi = 0$$

$$Q_{\text{ХИС.ЁР}} = 0$$

$$S_{\text{ХИС.ЁР}} = 2,4 \text{ кВт}$$

насос станцияси бўйича умумий тўла қувват:

$$\sum S = 77.24 + 11.2 + 2.4 = 90.87 \text{ кВт}$$

Ичимлик сув билан таъминловчи насос станцияси электр энергия билан таъминлаш бўйича 1 – категория истеъмолчилар ҳисобига кирази, шунинг учун 2 та трансформатор ТМ – 63, номинал қуввати $S_{\text{НОМ}} = 63 \text{ кВт}$ ва тегишли подстанцияни қабул қиламиз. КТП – 63/10 [4]

5. Насос станциясида технологик жараёнларни автоматлаштириш

Насос станцияларида қуйидаги технологик жараёнларни автоматлаштириш мумкин.

Асосий насосларнинг двигателларини бошқариш;

Басим задвижкаларини бошқариш:

Агрегатларни ҳар хил нормал режимлардан ҳимоя қилиш;

Иситиш қурилмаларини бошқариш;

Фильтрлар ишлашини бошқариш;

Асосий насосларнинг двигателларини бошқариш схемаси чизмаларда кўрсатилган. Ҳовуз ва минорадаги сувларнинг сатҳини электродли назоратчилар ёрдамида сақлаб турамиз. Автоматик қурилмаларда бажариш, ростлаш ёки бошқариш режимлари, механизмлари одатда бир конструкцияда жойлашган бўлади. Ростлаш органлари ҳисобида насос станцияларида вентил, задвижкalarдан кенг фойдаланамиз.

а) Электромагнитли вентилнинг бошқариш схемаси.

Сув билан таъминлаш трубаларида электромагнит вентилдан кенг фойдаланамиз. Электромагнитли вентилнинг ишлаш принципи расмда кўрсатилган. Бундай вентилларнинг юритмаси иккита электромагнитдан иборат, биттаси очадиган ва иккинчиси ёнадиган ҳар бир ғалтакда 2 та подсекция бор. Улар доимий токли 220 ёки 110 в, электр тармоғига вақти-вақти билан фақат операция бажариладиган вақтда қўшилади ва ток иш электромагнитнинг ғалтаги K1 дан оқа бошлайди. Бу ҳолатда вентил очилади ва махсус қистиргич ёрдамида сақланади. Операция тугаши билан блок контакт K1 ғалтак занжирини тармоқдан ажратади. Вентил ёпиқ ҳолатда блок контакт K1:2 очик ва шу сабабдан электромагнитнинг K2 ғалтагига электроэнергия келмайди. S2 контакт орқали вентилни беркитиб қўйиш мумкин.

Насос агрегатларини автоматик бошқариш схемаси.

Автоматик бошқариш схемаси қуйидагилардан иборат:

Ичимлик сув билан таъминловчи насосни двигателини бошқариш;

Зарур бўлган вақтда резервдаги насосни тармоққа қўшиш.

Ёнғинга қарши насосни ишга қўшишни автоматик бошқариш.

Сув ўтказгич трубаларда босим пасайиши билан асосий насосни ажратиб ташлаш.

Бу жараён Н-8сг монометр ёрдамида бажарилади. Sa1-Sa4 алмашлаб улагич орқали насос агрегатларининг режимлари белгиланади. Иш режими, резервли режими. Сув йўқлигида резервлардаги ўрнатилган датчикларни контрактлари 9А (рем-датчик), юқоридаги датчик S11 ва пастки датчик S12 очилган ҳолатда бўлади, ўша даврда оралиқ релеси электр тармоғидан ажралган бўлади.

Резервуарни пастки сатҳи тўлиқ бўлганда S11 датчикни контрактлари ёпилади. Оралиқ релеси RL3 тармоққа қушилади ва ўз контрактлари билан насоснинг двигателини тармоққа улашга таёрлаб қўяди. Реле K1 ёрдамида KM1 магнитли ишга тушургични ғалтасини тармоққа қўшамиз. Натижада, KM1 магнити ишга тушургич ўз куч контрактлари билан насос двигателини ишга тушуради. K11 реле ёрдамида насос агрегати ишлашини назорат қиламиз. Агар сувнинг сатҳи SL1 контрактдан пастга бўлса, бу контракт ажралади, лекин SL2 ва KL3 контактлар қўшилганлигидан насос двигатели ишлаб тураверади. Агар сувнинг сатҳи SL2 контрактдан пастда бўладиган бўлса, бу контракт ажратилади ва KL3 реле токсиз бўлиб қолади ва ўзининг контракти билан насоснинг двигателини электр тармоғидан ажратади.

Асосий насосни двигатели ишламай қолганда, НА сигнализатсияси қўшилади, кейин оралиқ реле KL3 ёрдамида резервли насоснинг двигатели ишлай бошлайди. SB3 ва SB4 кнопкалар ёрдамида товушли сигнал ишга тушади ва ўша даврда насоснинг двигатели тўхтатилади.

Электокалориферни бошқариш схемаси.

Схемада 2 та режим кўзда тутилади: қўл билан бошқариш ва автоматик бошқариш.

Калориферни ишга тушуришни ҳаво ҳайдавчи вентиляторлар ишга тушган ишлайди.

Қўл билан бошқариш режимда, калориферни ишга тушуриш SA2 қайта улагич ёрдамида бажарилади. Танланган режимга қараб (50%, 75%, 100%) K2, K3 ёки K4 релеси ишга тушурилади ва уларни тегишли магнитли ишга тушуриладиганларни KM2, KM3 ёки KM4 тармоққа қўшади.

Автоматик режимда калориферни иши ҳавонинг ҳароратига боғлиқдир. Ҳарорат пасайиши билан калорифернинг сексиялари қўшилади ва ҳарорат ошиши билан сексиялар ажратилади. Масалан, ҳарорат минимал даражагача пасайиши билан SK1 ва SK2 электроконтактли термометрлар ишга тушади ва ўз навбатида калорифернинг 1 – ва 3 – сексияларини тармоққа қўшади. K2 ва K4 релеларнинг ажратувчи контрактлари орқали KM2 ва KM4 магнитли ишга тушургичлар электр занжирига қўшилади. Шунинг билан калориферни 100 % қувватини ишга тушурамыз.

Фильтрлар ишини автоматлаштириш.

Ичимлик суви билан таъминлаш насос станциясида муҳим технологик жараёнлардан бири – бу сувларни филтрлашдир. Фильтрларни автоматлаштириш натижасида, уларнинг унумдорлигини 8 – 10% гача ошириш мумкин. Филтрлаш жараёнини автоматик равишда расмлаш мумкин.

Фильтрларнинг технологик режимини оптималлаштириш учун филтрлаш тезлигини доим ростлаб туриш керак. Фильтрлар лойқаланиши натижасида қаршиликлари ошиб кетади ва Филтрлаш тезлигини домий қилиб сақлаш учун кетаётган трубалардаги задвижкаларни каттароқ очиш керак. Задвижка тўла очик бўлганда филтр иши тўхтайдди. Ўша даврда филтрлар тоза сув билан ювилади. Задвижкани очилиши ва ёпилишини назорат қилиш учун махсус “охирги ажраткичлар” ўрнатилган SQ1 – SQ4 ва

сигнал берувчи лампалар 14261 – 14LG2 (задвишка ёпик) ва 1HL R1 – 1HL R2 (задвишка очик). Задвишкаларни очилиб – ёпилишини жойидан ёки назорат қилиш пунктидан бошқариш учун уневерсал қайта улагич 1 – SA1 ёрдамидан фойдаланамиз. Вентеляторларни иши ҳам 2 – SA1 уневерсал қайта улагич ёрдамида жойидан ёки назорат қилиш пунктидан бошқарилади.

Электр истгичларни ишни қўл билан ёки автоматик бошқариш вариант орқали бажариш мумкин. Бунинг учун 3SB1, 3SB2 – кнопкалар, 3 – SA1 уневерсал қайта улагич ва ДТКБ типи иссиқлик датчиелари (2 позиция) бор. Истгичларни электр тармоғига қўшилганлиги ҳақида 3 - HL R1 лампалар сигнал беради.

Насос станциясининг ишончлилигини ошириш йуллари

Рижоланган чет ел давлатлари энергитек хизмат кўрсатувчи бўлимлари иш тажрибаси электроэнергияни, электр асбоб ускиналарини ва машиналарни эффектив ишлаши кўп миқдорда режали-олдиндан олиш таъмирлари тизимларини жорий этиш ва хўжэаликларда техник хизмат кўрсатишга боғлиқлигини кўрсатади. Бунда ыарча элетр асбоб ускуналар ишлаш ишончлилиги кескин кўтарилади, электро двегателлар ишдан чиқиши камаяди. Тизимга қуйдаги ишлар ва тадбирлар киради:

- электр асбоб-ускиналар таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини турларини аниқлаш ва унинг цивилизация :

- таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш борасида даврларни ўрнатиш:

- профилактика операцияларни режалаштириш ва уларни бажарилишини назорат қилиш:

- хўжэаликларда энергитека хизмат кўрсатиш бўлими ишчиларнинг меҳнат ҳақини тўлаш тизимини ишлаш:

- ушбу бўлимни материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни ташкиллаштириш;

- таъмирлаш ва хизмат кўрсатишнинг сифатини назарот қилишни ташкиллаштириш ва методларни ишлаш;

-таъминлаш ва техник хизмат кўрсатишнинг ташкилаштириш, хизмат кўрсатиш графикларни тузиш ва уларнинг бажарилиши;

-керакли ишларни бажариш учун ишлаб чиқариш базасини ташкилаштириш;

-хар-хил нормативларни аниқлаш (меҳнат сифимини, иштўхтабтуришларни, материаллар сарфини ва эҳтиёт қисмилар ва хоказо) ва ишлаш.

Электро техник хизмат қилиш бўлимини ташкилаштиришнинг намунавий структуравий мавжуд таклифлар ишланган. Хусусан, ушбу хизмат кўрсатиш бўлимини иккита бўлимга ажратиш тавсия этилади ундан майда монтаж ишлар билан шугулланади. Фойдаланишда хизмат кўрсатиш куйидаги таъмирлаш ва махсус авария бригада гуруҳларига бўлинади.

Электр техник хизмат кўрсатиш бўлимини ташкиллаштиришда қуйдаги омилар мавжуд бўлишлари керакли ишлар характерлари ва хажми, электр қурилмалар турлари; табиий-климатик шароитлар; технологик жараёнлар этиборлик даражаси; хўжалик ерларда электр қурилмалардан жойлашиши ва йиғилиши; таъмирлашга яроқлилиги ва ишончлилиги кўрсаткичлари ва бошқалар.

Электр қурилмаларнинг ишончли ва самарали ишлаши ва уларга хизмат кўрсатишга электротехник хизматчиларнинг тайёргарлик даражаси катта аҳамиятга эга. Хизмат кўрсатувчи ходимлар маълум хажимдаги техник билимга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши керакли. Электр қурилмаларни фойдаланиш бўйича ишларга медицина гувоҳномасига эга мутахассислар қабул қилиниши керакли.

Ўз иш жойига мос ҳолда фойдаланишда хизмат кўрсатувчи ишчилар хизмат кўрсатувчи ишчилар билан ишлаб чиқариш ўқишлардан ўтиб. “Электро қурилмаларнинг техник фойдаланиши ва истемолчилар электр қурилмаларини фойдаланишдаги техник ҳафсизлиги қоидалари”, асбоб ускуналарига хизмат кўрсатишнинг техник минумал ва лавозим инструкциялари бўйича билимлар текширишдан ўтиши керакли. Ишлаб

чиқариш ўқишлари иш жойида икки ҳафта муддатда ўтказилади. Ушбу вақт давомида ишчи ходим амалий хунарга эга бўлиб, асбоб-ускуналар билан танишади. Фойдаланишда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг билимини текшириш нафақат ишга қабул қилиш вақти, балки даврий фойдаланиш жараёнида ҳам ўтказилади. Техник фойдаланиш қоидалари, техник хавфсизлик қоидалари билимларини текшириш ва инструктаж мажбурий. Электр техник ходимлари ўз билимларни кенгайтириш ва квалификацияларини оширишлари керак.

Шу мақсада назарий ва амалий материалларни ўтказувчи курслар, даврий техник семинарлар ўтказилиши, кўргазмалар ташкиланиши, халокатларга қарши машқлар ва хоқозалар бажарилиши керак.

Шунинг учун фойдаланиш бўлимини ташкилаштиришда биринчи даражали тадбирлар қаторига қуйидагилар бўлиш керак:

- фойдаланиш ва тамирлаш бўлимларни мос келган электро изолатция материалари ва ехтиёт қисмлар билан таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш ва квалификацияларини ошириш тизимларни ташуилаштириш.
- техник хизмат кўрсатиш ва ППР тизимларни амалий қўлаш ва жорий етиш.

Фойдаланиш жароёнида асбоб-ускуналарнинг эскириши ва ишдан чиқиши табиий.

Аммо кўпинча бу табиий ишдан чиқиши миқдор вақтор таъсирда тезлашади.

- изоляциянинг термик бузилиши;
- гедрохимик салбийланиш ва изоляциянинг бузилиши;
- электродвигателнинг механик бузилиши.

Электродвигателнинг 85-90% ишдан чиқиши изоляциянинг бузилишидан, 5-15% гача механик бузилишга кўра мавжуд бўлади.

Электродвигателларнинг ишончли ишлаши учун химоялагичлардан фойдаланилади. Электродвигател ишлашда факат битта химоялагич қўйиб кетади, бу эса нотўлиқ фазоли иш режимига олиб келади ва бу ҳолатларга

Электродвигателни ишдан чиқишига олиб келади. Бундан ташқари химоялагичлар ортиқ юкланишда Электродвигателни ишончли химоялашни таъминлайди.

Химоялагичларни кам қувватли, ортиқча юкланишсиз Электродвигателлар, ёритиш ва қизитиш қурулмаларни химоялаш учун қисқа туташидан химоялаш воситасида қўлаш мақсадга мувофиқ.

3 фазали асинхрон двигателларни ортиқча юкланишлардан химоялаш учун магнит ишга туширувчиларга ўрнатилган иссиқлик реле қўланади.

Иссиқлик реле электродвигателни ҳар қандай ортиқча юкланишдан химоялаш лозим, шулардан тўлиқ бўлмаган вазалар режимида ва ишга туширишда ҳам лекин, бу кўпинча мавжуд бўлмайди. Электродвигател чўлғамлари ва иссиқлик реле сезгир элементининг ишлаш шароитлари бири-биридан этиборли даражада фарқланади. Характистикаларнинг силжишига биметаллик пластинканинг иссиқлик ҳолати энг катта таъсир этади. Ортиқча юкланиш пайдо бўлишидан олдин у совуқ ҳолатда бўлса химоя таъсири вақтида эса пластинка иссиқдан кейин ортиқча юкланиш пайдо бўлаган ҳолдагига нисбатан пайдо бўлади. Химоя ишончли бўлиши учун, аниқ созлаш керак.

Иссиқлик реле электродвигателни ишга туширганда вазо узилишдан ишончли химояланмайди. Бир фазанинг йўқолдишида бир реле ток қурулмаларда токдан беш марта катта бўлади. Бу эса двегатилнинг ишончли ўчиришга ётарли бўлади. Бу эса двегателни ишончли ўчиришга ётарли бўлади.

Фаза ўчирилгандан кейин электродвигателни ишга туширган ҳолда эса катталиги электродвигателнинг номинал токига нисбатан 30-40%га катта бўлади, бунинг чўлғами рухсат берилган қийматгача исийди.

Тез-тез ишга туширмаган ҳолда электродвигателларни химоялаш учун АП-50, А-3100, АК-50, АИ-2000 ва бошқа автоматик узгучлар ишлатилади. Автоматик узгучларда ўрнатилган электромагнит ёки комбинациялашган ажратгичлар элетр асбоб ускуналарни қисқа туташидан химоялашни

таъминлайди ва комбинациялашган ажратичлар эса ўта юкланишдан ҳам химоялайди.

Статор чўлғами температурасини назарот қилиб электродвигателнинг хавфли қизишда автоматик равишда узиб қўйилса, бу ҳолда у барча асосий холакат режимлардан химояланган бўлади. Охирги йиларда химояшнинг янги турлари ишланиб жорий этилмоқда-бу двигател чўлғами температура тасирига жавоб қайтарадиган двигателга ўрнатилган температурали химоялаш. Қаршилиги температурага нисбатан ўзгарадиган позистр ва термо резисторлар температура датчиги сифатига ишлатилади. Термодатчиклар статор чулғамларига урнатилади. Ускунага урнатилган температуравий химоялашнинг асосий лойиклиги унинг қизиш сабабига боғлиқ булмаган ҳолда электродвигателнинг чулғамлар температурасига жавоб қайтарганлиги бўлади. Бундан ташқари урнатилган температуравий химоялашни ҳар хил қувватли двигателларни химоялаш учун қуллаш мумкин. Айниқса двигателни совитиш шароитлари бузилганда уни тез-тез ишга туширганда ёки реверсларда у айниқса ишончли иш кўрсатади.

Аммо лекин бу қурулманинг нархининг баландлиги ва ишга туширувчи апаратура билан датчикларни боғлаш учун қўшимча сим ўтказиш кераклигини унинг қўлаш жараёнини чеклайди. Статор чўлғамининг температура бўйича химояси холакат режимининг сабабига эмас унинг оқибатига таъсирланади.

Таққослаш синовлари шуни кўрсатадики, баъзи бир холакат режимларида (узоқ ўта юкланиш, бир бир фазали иш режими, тормизланган ротор) созланган иссиқлик релеларнинг электродвигателларни химоялаш ишночлилиги ўрнатилган температуравий химоялашдан кам эмас. Бошқа холакат режимларда (такрорланувчи ўта юкланиш, тез-тез ишга тушириш, қайтарувчи-қисқа вақтли режим) ўрнатилган температурали химояни юқори ишончлигикни таълаб қилган, аврияларда катта технологик зарар келтирадиган қурилмаларда қўлаш мақсад мувофиқ бўлади.

Техника фарлари доктори А.О. Груендулие бошлиғида қишлоқ хўжалигига талукли вазага сезгирли электродвигателларни химоялаш қурилмалари (ФУЗ) ишланган. ФУЗни ишлаш принциплари электродвигателлардаги юкланиш тоқлари орасидаги фазалар силжиш бурчагининг ўзгаришини назорат қилишга асосланган. ФУЗ электродвигателларни тўлиқ эмас фазали режимлардан, ишга тушмасликдан химоя қилади ва электр занжирдаги қисқа туташилда ишлай бошлайди.

ФУЗ энг содда схемалрда камчиликларда инерцион ишлай бошлашнинг йўқлигини айтиш мумкин, бу холда ФУЗ электродвигателнинг ишга тушуш токига ҳамда узоқ вақтдаги ўта юкланшига сезгирланади. Бу камчиликлар фазага сезгирли химоялаш қурулмаларнинг бошқа модификацияларда (модификация ФУЗ-М) бартараф этади.

ФУЗ-М электродвигателни тўлиқ эмас фаза режимидан, ишга тушмасликдан, очик турган вақтида, хар-хил ўта юкланишдан яъни тўғри холакат режимлардан сақлайди, лекин улар баъзи воситали авария режимларига:

Масалан, атроф мухит билан қоникарсиз иссиқлик алмашунивода тез-тез ишга туширилда ёки стата чўлғамини ўта исситишга олиб келадиган электродвигател реверслари сезгирланмайди. Хамда чўлғамлар изалатсия қаршилигини пасайишига ва тебраниш подшибниклар ўта исишига сезгирланмайди.

Барча асосий халокат режимлари, фозолар узилиши, ўта юкланиш, ишга туширмаслик ва статр чўлғами ёки подшимлклар ўта исишдан ишончли химояловчи ФУЗ-У универсал қурулма ишланган.

ФУЗ-Уда электродвигателни қаршилигини билиш ьмумкин бўлган чегаралардан камайишда кескин тўхташини таъминловчи сезиш токини назарот қилувчи элемент қўланган.

ФУЗ-Унинг асосий афзалиги унинг фазалра узилиши, электродвигателнинг ишга тушмаслигини (ротор тормизланиши) каби холакат режимларга, статр чўлғамини ўта исишига ва изалация эскиришга

олиб келмасдан, тез сезгирланиш бўлади. Ундан ташқари (УВТЗ) курулмаларда ўрнатилган температурали химоялагич каби, электродвигател статор чўлғамига позистор ўрнатиш зарур эмас фақат унинг корпусига битта посизтор ўрнатиш этарли бўлади. Масалан, электродвигател йиғилгандан сўнг таъмирлаш бўлити ўрнига темпиратуоа датчигини ўрнатиш мумкин. Температура датчигини ишга тушириш апаратура билан ишлаш учун кўшимча сим ишлатиш ФУЗ-У нинг аниқ камчилики бўлади. Шу билан бирга электродвигателни совитиш инерционлиги катта бўлиб, статор чўлғамининг ўта исишига олиб келади ва чўлғаилар изаляциясининг интенсиф эскириши катта бўлади.

Фазо сезувчан қурилмалар химоясининг умумий камчилики электродвигателлар қувватига ва ишчи тоқлар диапозонига қараб тузоарнинг хар-хил модификатциялар ва курулмалари қўлалинади. Кўриб ўтилган асинхрон электродвигателларни химоялашучун энг қўланиладиган курулмалардан ташқари баъзи муалифлар бу асосий қурилмаларга кўшимча махусус химоялаш турларини (нол кетма-кетлигидан кучланишли химояланиш минимал кучланиш бўйича тоқ релесидан ва хокоза) ишлатишни тавсия қилади. Аммо, элетр асбоб-ускуналар тузилиш қоидаси (ПУЭ) билан аниқланганки, махсус химоялашни электродвигателларга қўллаш хадан ташқари холарда, сақлагичлапр билан химояланиб, уларнинг ишдан чиқиш технологик жароёнини тўлиқ ишдан чиқариб, хўжалика катта зиён келтирадиган ўта юкланиш ва бошқа холакат режимлардан химояга эга бўлмаган холарда қўлашга рухсат беради.

Ишга туширишни химоялаш апаратурасини танлаш масаласини тугри ечилишини ва у ёки бу химоялаш қурилмаларини мақсадли қуллаш жараёнини аниқлаш техник иқтисодий хисоблашлар асосида ечилади. Бу холда талаб қилинган химоялаш даражасини, электродвигателнинг иш режимини хисобга олиш керак.

Хозирги вақтда технологик асбоб-ускуналар урнатилган электродвигателлар, уларнинг ишончли ишлашига атроф-мухит эътиборли

даражада таъсир этиш огир шароитда фойдаланилмоқда. Ишгатушириш ва электродвигателларнинг электр симлари қайта улагич қурилмалар ва ёритиш электр ускуналар ухшаш шароитида топилади.

Қишлоқ хужалиги, сув хужалиги электродвигателларнинг тухташи ва ишончлик миқдорий курсаткичларини аниқлаш ва улар ишончилигини кутариш буйича утказилган тадқиқотлар келиб чиқган холда электродвигател ва электроапаратлар химоялаш учун умумий тавсиялар ишланди. Бу қуйдаги тавсиялар:

-ишлаш режими ва атроф муҳит шароитга қараб электродвигателни танлаш. Юқори намли хоналарда, очиқ майдонларда, ҳаво намлиги йил давомида 60-100% гача, температура $+10^0$ С дан $+40^0$ С гача ўзгариб турадиган ва технологик жараённинг ишламас талафузи анча узун бўлган намлик учун ясалган электродвигател ўрнатиш лозим. Корхоналардаги чанг ёрдамчи хоналарда тропик турда қилинган электродвигателни фойдали ишланиши мумкин.

-ишга туширувчи апаратураларни агрессив муҳитдан бўлак ажратилган хоналарда жойлаштирилиши ва марказлаштирилиши. Бундан ташқари метал қобиклари каррозиясини олдини олиш учун уларни лаккли бўйёқ ва коррозияга қарши эмалар билан бўяш. Катта агрессивлик муҳит шароитида лак бўйёқ материалларга учвчи интилотор кукуни аралаштирилиши тавсия этилади.

-капитал ва ўтиш таъмирлашда электродвигател модернизацияси. Электродвигателни таъмирлашда унинг чўлғамларини компуслаш модернизациясининг самарали усулардан бири бўлади. Бунда электродвигателнинг таъмирлашга яроқлилигини сақлаш мақсадида эконсид смополарни эмас балки эскапона (синтетик каучик) асосда компаутларни фойдаланиш ҳожати бўлади. Капитал тамирланишда синдириш учун фойдаланган электро изолитцион материалларда, оддий хусусиятлардан ташқари жуда юқори синфли намга турғунлиги ва иситишга турғунлиги таълаб қилинади.

-Қишлоқ хўжалиги мавжуд ноқулай неklar ва шароитлар электро ускуналарнинг техник эксплуатацияларга алоҳида этибор беришини талаб қилади. Электр ускуналарнинг этарли эксплуатацион ишончилигини сақлаб туруш учн профилактик ва опиратив техник қаров ва ремонтларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш керак. Лекин, бу тадбирларни қишлоқ хўжалиги шароитида амалда ошириш маълум муракаблиklar билан боғлиқ.

Барча электр ускуналар кичик майдонда компакт жойлашган. Саноатдан фарқли ўлароқ қишлоқ хўжалигида электр ускуналар электр истемолчилар тарқоқ жойлашган унча катта бўлмаган қуватлар бўлиб ва хилма хиллиги билан ажралиб туради.

Ундан ташқари улар турли мухит шароитда ва турли юкланиш режимида ишлайди. Бу эса режали техник қаров (ТҚ) ва ремонт (Р) ва тадбирларни бир хил вақтда ўтказишда уни бажарилишини қийнлаштирилади.

Электр ускуналар техник қаров ва ремонт мудатлари электр ускуналар жойлашган атроф-мухит шароитига, электр жихозлар типига, сутка ва йил давомида юкланишга, иш режимиларга боғлиқ. Турли шароитларга ишлаётган ускуналарда бир хил муддатларда пиропрофилактик тадбирлар ўтказиш, ТҚ ва Р графигини семена ва ой ёки квартал давомида текис режалаштириш малумдир муракабликни иш унумдорлигини пасайтиради. Бу холда электро манторларни транспорт ва алоқа воситаларни билан тامينлашини керак.

Электро ускуналарнинг хилма-хилиги техник хизмат ва ремонт базасида кўплаб техник воситалар, асбоблар ва эхтиёт қисмлар бўлишини таълаб қилади. Кичик хўжалиklarда сервис хтзматини воситаларни самарасиз ишлашга олиб келади,оқибатда электр ускуналар самардорлигини пасайтиради. Демак, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги шароитда техник эксплуатация ишонслигида пасайтирувчи обектив шароитлар мавжуд экан.

Эксплатация шароитлари ўзгариши билан қурулманинг ишончилиги кескин камайиб кетиши ёки умуман ишдан чиқиб кетиши. Ишончилигкни бахоловчи қуйдаги кўрсатгичлардан фойдаланамиз:

Узлуксиз ишлаш эхтимоли

$$P_{(t)} = \frac{N_0 - n(t)}{N_0}$$

Бу ерда: N_0 - кузатув бошидаги қурулмаларнинг сони

$n(t)$ - t вақтида ишдан чиққан объектлар сони

-қурулмаларнинг ишдан чиқиш интенсивлиги λ ;

